

---

## ФАРҒОНАДА БУТУНЖАҲОН ЕР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

Кадастр агентлиги ташаббуси билан 22 апрель – Бутунжаҳон ер кунига бағишланган “Ўзбекистонда ер ресурсларини бошқаришнинг инновацион ёндошувлари: истиқбол ва вазифалар” мавзусида ҳудудларда илмий-амалий тадбир бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай тадбир, Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси ташаббуси билан Фарғона Политехника институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмалар, бўш иш ўринлари ярмаркаси ва концерт дастуридан иборат мазкур тадбирда 400 га яқин талаба ёшлар ҳам иштирок этишди. Тадбир давомида қизиқарли викториналар ҳам ўтказилиб, ғолиб ёшларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-04-23 15:29:36